

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 220 (10.273)

2004 ЙИЛ 11 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● **КЕЧА** Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номи академик лицейда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими, академик лицей раҳбарияти, сиёсий партиялар вакиллари ҳамкорликларида «Сайлов ва ёшлар» мавзусида «Камолот кунлари» тадбири ўтказилди.

● **БУГУН** Тошкент Давлат юридик институтининг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ташаббуси билан сиёсий партиялар вакилларининг талабалар билан учрашуви ўтказилди.

● **КЕЧА** Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигида ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрамлари бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● **БУГУН** «Ўзэкспомарказ»да «Тошшаҳар йўловчилар» акциядорлик компанияси ташаббуси билан «Автомобил» деб номланган биринчи ўзбек халқаро кўргазмаси иш бошлади.

● **КЕЧА** Юнусобод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш» мавзусига бағишланди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ташаббуси билан уюштирилган тадбир ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Иқтисодиёт

Юртимиздаги тадбиркорларга яратилган қулай шарт-шароитлар, кенг имкониятлар туфайли ҳам иқтисодиётимизга хорижий инвестициялар йилдан йилга кўпроқ жалб қилинмоқда. Бектемир туманида фаолият юритаётган «DAEWOO PASK CO.LTD» Жанубий Корея — АҚШ хорижий корхонаси бунга ёрқин мисол бўла олади.



СИФАТ СЕРТИФИКАТИ БЕРИЛГАН

Мазкур хорижий корхона 1997 йилда ташкил топган бўлиб, республикаимиздаги қўшма корхоналарнинг тўқимачилик, озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, қандолатчилик соҳалари учун экспортбон картон қутилар ишлаб чиқармоқда. Корхонада 50 нафарга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилиб, замонавий, хорижий, юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар воситасида

барча буюртмаларни ўз муддатларида, сифатли адо этмоқдалар.

Рақобатбардош маҳсулотлар корхонага Жанубий Корея ва Финляндиядан келтирилган сифатли хом ашёлардан тайёрланади. Харидоригар қутилар асосан 3 ва 5 қаватдан иборат қоғозлардан таркиб топган картонлардан тайёрланади. Улар миқозларнинг хоҳиш-истакларига биноан флексография машина-

ларида рангли безакланади.

Корхонанинг асосий буюртмачилари «Кобул—Ўзбек Ко.», «ЎзБАТ» қўшма корхоналари, «Mediz» ёпиқ ҳиссдорлик жамияти, «Нестле» компанияси, Наманган, Фарғона шаҳарларидаги тўқимачилик корхоналари ҳисобланади. Картон маҳсулотларида «Экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган» сифат сертификати берилган.

Маълумки, корхоналар ўз маҳсулотларини четга чиқаришлари — экспорт қилишлари учун жаҳон андозаларига жавоб берадиган сифатли қадокловчи картон қутилар зарур, экспорт ҳажми ошгани сари эса корхона маҳсулотларига ҳам талаб ортиб бормоқда.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА:

«DAEWOO PASK CO.LTD» корхонаси цехларида иш ҳамиша қизгин кечади.

Тоҳир Нигматуллин
олган суратлар.



БЕЛАРУС БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Беларус Республикаси Бош вазир Сергей Сидорский раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Мираброр Усмонов билан учрашди.

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга оид масалалар муҳокама этилди. Ўшбу соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш имкониятлари кўплиги ва уларни ишга солиш давр талаби эканлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда Беларус сармоiasi иштироки-

да ташкил этилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги йиллик савдо айланмаси ўртача 40 миллион АҚШ долларига тенг.

Беларус Бош вазирини Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси билан танишди.

ЎЗА

режаларни белгилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рухлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳам-

дам, ҳамфир ва маслаҳатгўй бўлиб келган севимли нашрингизга обуна бўлишга шошиллинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга узилари боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.



Обуна — 2005

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2005 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Буни тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боллиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмунли деб билган, республикаимизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгилик-

лардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики, нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчи манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета ва журналлар қатори «Оқшом» тахририят ҳам ўз ихлосмандларининг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимишлироқ қилиш мақсадига бир қатор

XXI саҳоси

Барча маънавлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Республика Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси томонидан сайёр йиғилиш ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг Қорақалпоғистондаги ижроси кўриб чиқилди.

● Тошкент вилояти сайлов комиссияси матбуот маркази «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими билан ҳамкорликда Янгийўл, Олмалик, Ангрен шаҳарлари ҳамда Бўка туманида «Сайловда ёшлар иштироки» мавзусида давра суҳбатлари ташкил этди.

● Жиззах шаҳрида икки паллатали парламентга сайловлар олтидан ёш сайловчилар клуби иш бошлади.

● «Марс компьютер сервис» Интернет провайдер фаолият қамровини янада кенгайтириб, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларидаги миқозларга ҳам хизмат кўрсата бошлади.

● Бухорода Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрамига бағишланган тантаналарда «Хабарчи» газетаси соврини учун урта номинация бўйича вилоят милиция ходимлари ўртасида ўтказилган танловга яқун ясалди.

● Эллиқалъа тумани маркази — Бўстонда лойиҳа-смета қиймати 1 миллиард 568 миллион сўмлик (ҳажми 12 минг 650 куб метр) нефть маҳсулотлари базаси ишга туширилди.

● Хусусий очик акциядорлик тижорат «КАПИТАЛБАНК» Фарғона вилоятининг иккинчи йирик шахри — Қўқонда мини банк шохобчасининг янги бўлимини очди. Бўлим хусусий миқозларга банк хизматининг барча турларини таклиф этмоқда.



Жаҳонда

● БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ҳисоботида маълум қилинишича, БМТнинг дунёда бошланғич таълим даражасини ошириш режаси 2015 йилгача амалга ошмай қолиши мумкин.

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили мамлакатнинг НАТОга аъзо бўлиш ниятида эканлигини тасдиқлади.

● Парижда Эрон ва Европа Иттифоқи вакиллари ўртасида Эрон ядро дастурининг келгусидаги ривожланишга бағишланган музокаралар бўлиб ўтди.

● Япония ва Хитой Тайпейида деярли бир вақтнинг ўзида Рихтер шкаласи бўйича 6,7 ва 5,4 баллик zilzilalar қайд этилди. Қурбонлар ва вайронгарчиликлар тўғрисида хозирча ҳеч қандай маълумот йўқ.

«Камолот»

ЁШЛАР ВА САЙЛОВ

«Камолот» ЕИХ Сергели тумани бўлими томонидан ёшларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг сиёсий онглари, ўстириш, юртимизда ўтказилаётган сайловлар ҳақида тушунча бериш мақсадида семинар-тренинг ўтказилди.

Туманининг Шукур Бурхонов маҳалласи қошида фаолият кўрсатаётган «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган ушбу семинар «Ёшлар ва сайлов» деб номланиб, унда Сергели туман бўлимининг «Камолот» ва «Камал» сардорлари иштирок этишди.

Семинар давомида икки палатали парламент, унинг келиб чиқиш тарихи, Олий Мажлис сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида аниқ маълумотлар берилди. Интерфаол тарзда ўтказилган семинарда иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, топширилган вазифаларга арофича жавоб беришга ҳаракат қилишди. Сенат ва Қонунчилик палаталарининг вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида сардорлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Семинар якунида иштирокчиларга тарқатма материаллар топширилди.

МЕНИНГ ОЗОДА МАҲАЛЛАМ

Хонадоннинг озодалиги бекалар саришталигидан бўлса, маҳаллақуй озодалиги албатта бутун маҳалла аҳли ҳам-жihatлигига боғлиқ. Бунда айниқса ёшларимизнинг ўрни сезиларлиқдир.

«Камолот» ЕИХ Акмал Икромов тумани бўлими Кенгаши ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ташаббуси билан ўтказилган биргаликдаги ҳашар ишлари «Менинг озода маҳаллам» деб номланди. Туманининг «Истиқлол» ва «Шодлик» маҳаллаларида ўтказилган ушбу ҳазон йиғиш акциясида 200 нафардан зиёд ёшлар иштирок этишди.

— Ҳаммамизга маълумки, кузга ҳазонрезги даврида дарахлар барглари тинимсиз тўкилганлиги боис кўчалар, юриш йўлқаларида носарамжонлик юзага келади, — дейди «Камолот» ЕИХ туман бўлими болалар ташкилоти раиси Умида Раҳимова. — Албатта, бу ҳазонлар ерга қўмилса, ўғит сифатида ерни бойитади, аммо осон ишни кўзлаб ёқиб юборилса, ёнган ҳазондан захарли газ тутунлари чиқиб бундан ўзимиз зарар кўришимиз тайин. Шундай экан ушбу ноҳус ҳолат ҳақида ёшларга уқтириб, тўғри тушунча беришимиз зарур. Шу боисдан «Менинг озода маҳаллам» акциясини туманимиз миқёсида ўтказиб, нафақат маҳаллаларимиз озодалигини, балки атроф-муҳит мусоффолигини ҳам таъминлашга эришмоқдамиз.

Озода РАҲМАТОВА

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

ХОРИЖЛИК
ЭКСПЕРТЛАР
ФИКРИ

Ўзбекистонда сайловолди кампанияси доирасида турли халқаро анжуманлар ташкил этилмоқда. Уларда иштирок этаётган хорижлик таниқли сиёсатшунос ва экспертлар Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар модели ўз ифодасини топганини қайд қилишяпти.

Россия халқаро ва сиёсий тадқиқотлар институти катта илмий ҳодими Е.Кузьмина хорижий давлатларнинг икки палатали парламентни шакллантиришдаги тажрибаси ҳамда сайлов жараёнида оммавий ахборот воситалари иштирокининг ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларига бағишлаб ўтказилган анжуманларда қўллаб-қўлловчи масалалар муҳокама қилинганини таъкидлайди.

— Маъруза ва мунозараларнинг мавзулари менда катта қизиқиш уйғотди, — дейди Е.Кузьмина. — Мен турли мамлакатлар сайлов технологияларининг ўзига хослигини таҳлил қилиш учун янги ахборотга эга бўлдим. Албатта, Ўзбекистон

тондир сайлов тизимига эга, деб бўлмади. Бирок мамлакатда сиёсий тизим ва фуқаролик жамияти шакллантиришнинг бугунги босқичи учун керакли бўлган барча нарсаниқ-равшан кўрсатилган.

Украина президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи В.Паламарчук Ўзбекистон сиёсий партиялари етакчилари ва вакилларининг янги сайлов қонунчилиги муҳокамасидаги фаол иштироки «Парламентаризм: хорижий давлатлар тажрибаси» мавзuida анжуманнинг амалий аҳамиятини ошишига хизмат қилганига эътибор қаратади. Бундай фаол мунозараларнинг самараси

ўларок, хорижий парламентаризм тажрибаси умумлаштирилди ва Ўзбекистоннинг миллий хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Украиналик экспертнинг фикрича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигини ЕХТ, USAID, АКШ Миллий демократик институти, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги каби нуфузли ташкилотларнинг халқаро экспертизасидан ўтгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— «Демократик сайловлар ўтказишнинг халқаро андозалари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзuida анжуман иштирокчиларининг салоҳияти юқори бўлди, — деб таъкидлайди Қозоғистонда нашр этиладиган «Юрист» журналининг бош муҳаррири М.Агибаева. — Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва халқаро андозалари таққослаш масалаларида ҳолис муносабатни шакллантиришда анжумандаги сермазмун мунозаралар ўта муҳим аҳамият касб этади.

М.Агибаева «давора суҳбати»да Ўзбекистон вакиллари «хурматга сазовор» мустақил ва қатъий фикрлар билан иштирок этганини эътироф этади. У Ўзбекистондаги парламент сайловлари сайлов қонунчилигига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтишига ишонч билдирган.

«Жаҳон» АА

САЙЛОВДА
АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг академик лицейида «Аёлларнинг икки палатали парламент сайловларидаги ўрни ва роли» мавзuida семинар ўтказилди.

ойилда мавжуд бўлган қатор муаммоларнинг ечимини топишга имкон беради, — деди семинарда сўзга чиққан Чилонзор туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова. — Масалан оила-лардаги ногиронлик, репродуктив саломатлиқни яхши-

лаш, уларнинг ижтимоий танг аҳволи ҳамда аёлларни иш билан бандлик масалаларини аниқлаш ва бартараф этишга ёрдам беради.

Семинарда юртимизда ўтказилажак муҳим сиёсий тадбир, икки палатали парламент сайловларига қўриладиган тайёргарлик, ҳозирда

қизгин кечаётган сайлов кампанияси, бу жараёнда хотин-қизлар иштироки борасида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, семинарда қатнашган ҳуқуқшунослар ўз маърузаларида келгусида шаклландириладиган парламентнинг аҳамияти, ҳусусан, қонунчилик палатасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида алоҳида тўхталишди.

Сайлов замоний демократиянинг муҳим институтиларидан бири ҳисобланади. Унда халқнинг хоҳиш иродаси ифодланади. Бу эса парламент сайловларининг қандай ўтишига боғлиқ.

«Туркистон-пресс»

МАҚСАДГА
ҲАМКОРЛИКДА
ЭРИШИЛАДИ

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 304-умумтаълим ўрта мактабда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш давлат умумий миллий дастури тўғрисида»ги Фармониини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Йиғинда «Мустақиллик», «Дўстлик» маҳалласи оқсоқоллари, ота-оналар, ўқитувчилар Фармондан келиб чиқадиган вазифалар ҳусусида фикр-мулоҳаза юритдилар.

Ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари билан биргаликда мактабда амалга оширилиши лозим бўлган қурилиш ишлари, таълим-тарбия ҳусусида ҳам маслаҳатлашди, — деди мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Меҳринисо Ҳолмуродова. — Халқимизда қарс икки қўлдан чиқади деган нақл бор. Таълимни тарбиядан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Мактаб, маҳалла ва ота-она ҳамкорлиги бўлган жойда қўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги азалдан маълум. Фарзандларимизни билимли, соғлом фикрли, миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда бу ҳамкорликнинг аҳамияти беқиёсдир.

Шу ўринда айтиш жоизки, таълим ва тарбиянинг сифати ўқитувчининг билимига, маҳоратига, замон талабларига қай даражада жавоб бера олишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ўқитувчи ёшларимизнинг устози сифатида ўз ўрнига, мактебга эга бўлиши даркор. Бунинг учун у таълим беришнинг янги услубларидан бохабар бўлиши, савиясини юксалтириш, малакасини ошириш устида мунтазам иш олиб бориши тақозо этилади.

«Туркистон-пресс»

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, турли дин ва маданиятлар вакиллари тинч ва аҳил ҳаёт кечирмоқда. Улар мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиёти ривожланган демократик ҳуқуқий жамият барпо этиш, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш марказида ўтган «Ўзбекистон: ўзига хослиқни аниқлаш ва жаҳон ҳамжамияти» мавзuida давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди.

МИЛЛАТЛАРА АҲИЛЛИК -
ТАРАҚҚИЁТ АСОСИ

Учрашув Германиянинг Фридрих Эберт номидаги жамғармаси ваколатхонаси билан биргаликда «Фуқаролик форуми» лойиҳасини амалга ошириш доирасида ташкил этилди. Унда социологлар, сиёсатшунослар, тарихчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар мутахассислари иштирок этди.

Дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнида турли мамлакатлар халқлари ўз миллий ўзига хослигини, маданий илдизларини аниқлаш жуда муҳимдир, деб таъкидлади учрашувни очар экан «Ижтимоий фикр» маркази директори, академик Р.Убайдуллаева. Бугун маданий хилма-хиллик кўп давлатларга хос. Шу муносабат билан фуқаролик, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, миллий ўзига хослиқни сақлаб қолиш, халқаро ҳамда давлатлараро мулоқотлар тобора кенгайиб бораётган шaroитида уни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш долзарб масалага айланмоқда.

«Биз киммиз, тарихга муносабатимиз ва бугунги ривожланишдаги ўрнимиз қандай?» де-

ган саволга жавоб излаш жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув шарoитида муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлади учрашувда. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар бу борада дунёнинг кўп мамлакатлари учун ўрнак бўла олади.

Мустақиллик шарофати билан бугун Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи аҳиллик ва бирдмликда янги ҳаёт кўрмоқда. Барча миллатлар вакиллари ўз маданияти, тили, удувлари, аниқларини ривожлантириш имкониятига эга ва бунинг учун уларга барча шарoит яратилган. Миллатлараро фуқаролик ҳамкорлигининг бундай тажрибаси жаҳон амалиёти учун катта аҳамиятга эга.

Халқларнинг ўзига хос шаклланиш жараёниларини ўрганиш барқарор ривожланишга эришишда энг муҳим ўрин тутди, деб таъкидлади учрашувда Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Р.Крумм. Германия ва Ўзбекистон олим ва мутахассисларининг яқин орада бошланадиган ҳамкорликдаги тадқиқотлари ҳам ана шу мавзуга бағишланади.

ЎЗА

ЯНГИ ГУЗАР ҲОЙДАЛИНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманида «Хумо Сарбон» номли маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

Собир Раҳимов туманида жойлашган ушбу маҳалланинг номи эски шаҳар бўлсада, аслида маҳалла «замонавий кўриниш касб этади. Ушбу маҳалла фуқароси хусусий тадбиркор Хусан Каримов саъй-ҳаракати билан бунёд этилган маҳалла гузари замонавий талабларга жавоб беради.

Қисқа вақт ичида қуриб фойдаланишга топширилган ушбу иншоот 450 ўринга мўлжалланган. Мазкур маҳаллада 5,5 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Лекин ҳозиргача бу ерда турли маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган мажмуа йўқ эди. «Хумо сарбон» гузарни эса ҳадемай ушбу ҳудуддаги аҳолининг яхши

қунарига ғувоҳ бўлади.

Гузарнинг очилиши янги 30 та иш ўринларини ташкил этди. Очилиш маросимида сўзга чиққанлар яқин қуналарда мажмуа таркибига кирувчи қандалатчилик, тикувчилик цехлари, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш уйи ҳам фойдаланишга топширилишини таъкидлашди.

Саънат

БОЛАЛАРБОП
СПЕКТАКЛЬ

Ўзбекистон академик рус драма театри ўзининг етмишинчи ижодий мавсумини бошлаб юборди. Чиндан ҳам бу юбилей мавсуми санъат қоснониси учун жиддий ижодий кўрик йилига айланди.

Театр катталар билан бир қаторда болалар учун постановкалар тайёрлашни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу ўринда «Мойдодир» спектаклини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Машхур сўз санъаткори Корней Чуковский болаларга бағишлаб кўплаб пьесалар ёзган. Уларда кувнок ёшлиқнинг турли мавзулари ўз аксини топган.

«Мойдодир» асари эса болаларга жуда манзур бўлган асарлардан бирига айланган.

Театр ижодий жамоаси бу асарни сахналаштириш жараёнида ўз ижрочили маҳоратини ишга солиди.

КАТТА
ТААССУРОТ
КОЛДИРДИ

Ўзбекистон Бадий академияси Республика санъат лицейининг истеъодли ёшларидан бир гуруҳи Пушкин (Царское село) шаҳрига қилган марокки саёҳатдан қайтиб келди. Икки ҳафта давом этган бу тадбир чоғида улар шаҳардаги машхур ёзувчи Анна Ахматова номи Царское село санъат гимназияси фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Машхур шоир Александр Пушкин музейига уюштирилган саёҳат ҳам катта таассурот қолдирди. Шунингдек, лицей ўқувчиларини Россия бадий академиясининг фахрий аъзоси, профессор А.Чистяков уш-музейи ходимлари яхши кутиб олдилар.

Анна Ахматова номидаги санъат гимназияси ўқувчилари ҳам ўз навбатида ўзбек диёрига тақдир этдилар.

Маълим

ОЛИМЛАР
ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Республика санъатшунослик илмий тадқиқот институти олимлари кейинги ойлар мобайнида қатор чет эл илмий сафарларида бўлишди.

Лондон шаҳрида ўтказилган «Александр Македонскийдан сўнгги Урта Осиё» мавзусидаги халқаро конференцияда илмий муассасанинг етакчи мутахассиси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Эдуард Ртвеладзе қатнашиб, қизиқарли маъруза билан чиқди.

Японияда уюштирилган халқаро илмий анжуманда таъкид мусикашунос профессор Рустам Абдуллаевнинг «Ўзбекистонда мусика фольклори тараққиоти муаммолари» деган мавзуда қилган маърузаси ҳам қизиқарли билан тингланди.

Институт жамоаси «Ўзбекистон шаҳарлари: ўтмиш ва бугун» кун» деган янги илмий лойиҳа устида иш бошлади. Бу илмий жараён Германиядаги Штутгарт архитектура ва қурилиш институти билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Акбар АЛИЕВ

Маросимларимиз замонамизга мос ва хос бўлсин

— Байрам ўз номи билан байрам бўлиши керак. У ҳар қандай ортика даҳмазалардан холи бўлиб хонадонларимизда фақат хурсандчилик, тинчлик ҳукми суриши лозим. Замонамизга номуносив ишларни қилмаслигимиз ва улардан тийилишимиз керак.

— Рўзаи Рамазон кунлари охирида бораётган шу дамларда қиз узатган баъзи оилалар яна тоғора ташвишида гимираб қолишди. Билмадим, бу эскилик сарқитидан қачон кутуламиз?

— Утган хайит маросимда бу ҳақда қанчалар жон куйдирдик. Хатто қуданикига юбориладиган тоғораларнинг сонигача белгилаб қўйдик. Билмадим, бу эскилик англаб етганлар бўлди, ўз билганидан қолмайдиганлар ҳам учради.

— Мен умуман, қуданикига тоғора юборилишига қаршиман. Динимизда мавжуд бўлмаган бу ортика удумнинг кимга кераги бор.

— Орамизда шундайлар ҳам борки, марҳумларнинг ҳақиқа дуо қилиш, қабрларини тозалаб, зиёрат қилиш ўрнига, уларнинг хайит маросимларини дабдабали ўтказишга ҳаракат қилишди.

— Ҳа, ўзини ўзи кўз-кўз қилиш, ном чикарга қўша-қўша тоғора қилиб исрофгарчиликка йўл қўйиш гуноҳи азим эканлигини нахотки тушуниб етмасак.

— Худо берган молу давлатимизни савоб ишларга — маҳалларимизни обод қилишга, етим, ногиронларнинг дипломати шод этишга сарфласак яхши эмасми?

Тақдирлар, истаклар, фикр ва мулоҳазалар жуда кўп. Афсуски уларни бирма-бир келтиришнинг иложи йўқ.

Биз бу борадаги қарашларимизни ижобий мисоллар билан бошласак ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йилнинг май ойида эълон қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан қар бир маҳаллада диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозини жорий этилган эди. Бу лавозимга маҳалланинг обрў-эътиборли, кўпчилиги ҳурматида сазовор бўлган аёллар тайинланган. Улар маҳалларда ўз йўналишлари бўйича эътиборга лойиқ ишларни амалга оширишмоқда. Хайит байрами арафасида улардан баъзи бирлари билан ҳам учрашиб, суҳбатлашдик.

— Режаларимиздан тўй ва маросимларини тартибли ўтказиш, уларда дабдабозликка ўрин бермаслик масалалари ҳам ўрин олган. Бугунги кунда эътиборимиз оилаларда хайит байрамларини тартибли ўтказишга қаратилган, — дейди бизга Миробод тумани, «Қорасув» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Насиба Жайнокова. — 1775 оила истикомат қиладиган маҳалламизда бу йил 5 та никоҳ тўйи бўлди. Биз томондан олиб борилган тушунтириш ишларидан сўнг бу оилаларнинг утаси келин хайитини ўтказишдан воз кечди. Фақат иккита оиладагина келин хайитини, бир кун камтароналик билан ўтказишга қелишиб олдинди.

— Бизнинг Юнусобод туманида жойлашган Наврўз маҳалламизда 76 та кўп қаватли уйлар жойлашган, — дейди маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Алимова. — Уларда 40 дан ортик ноҳор оилалар бор. Хайит кунлари ушбу оилаларни йўқлаб, совға-саломлар улашмиз. Маҳаллодашларимиз билан хайит ва маросимларни ҳам ихчам ва тартибли ўтказишга қарор қилганимиз.

Юқорида айтилганлардан қандай хулоса чиқариш қар кимнинг ўзига, виждонига ҳавола. Модомики, гап тоғора хусусида, маросимларни камтарона ўтказиш ҳақида борар экан, биз ҳам бу борадаги қузатувларимизни ҳаётини мисоллар орқали оқшом-хонлар билан баҳам кўрмоқчимиз.

Кенки ифторлик пайти эшик кўнгириги жиринглаб қолди. Бемаҳалдан келган ким экан, деб қичиб эшикни очсам ташқарида дўстим Беғали турибди. Хол-аҳвол сўрагандан сўнг меҳмонни уйга тақдир қилдим.

— Нечук шамол учирди? — сўрайман.

— Ҳа, энди, сени бир кўрай дедимда.

— Жуда яхши қилибсан. Уйга кир, бир пиёла чой устида суҳбатлашамиз.

— Бунга ҳам вақт топилиб қолар. Ҳозир бироз шошилиб турибман. Бир илтимос билан келган эдим олдинга.

— Шунанки, хизмат?

— Биласан, яқинда қиз узатганман. Топган-тутганим тўйга кетди. Энди кутулдим десам, йўқ яна бошқа галваси қичиб қолди.

— Нима экан?

— Хотин: «Хайит келяпти, ҳаракатингизни қилинг, қизимизга, кўвга ҳеч бўлмаса бир сидрадан бош-оёқ сарпо, қайинота, қайинонасига яна бир нималар қилиш керак», дейди.

ҲАММА НАРСА
МЕЪЕРИДА БЎЛГАН
ЯХШИ

Миллий қадриятларимиз ҳақида кўп гапиримиз. Мустақиллик туфайли қайтадан юз кўрсатган азалий анъаналаримизнинг шукронасини қиламиз. Тўй ва маросимларимизни эмин-эркин ўтказадиган бўлдик. Диний қадриятларимиз тикланди. Нимаики инсонийлик бурчимиз бўлса бемалол бажарадиган, яхши кунларимизни дўстлар, яқинларимиз, қўни-қўшиллар, қон-қариндошлар ўртасида ўтказадиган бўлдик. Дилимизда бор бўлган эзгу тилаклар, кутлуг орузларни рўёбга чиқаряпмиз. Лекин биргина талаб, биргина истак — у ҳам бўлса меъерни унутмаслик. Биз шу ўринда меъёр деган сўзга бежиз ургу бераётганимиз йўқ. Сабаби, миллий қадриятларимизни ўзида жам этган Рамазон ҳайити яқин. Албатта шукроналик, поклавиш, меҳр-оқибат, кекса ва ногиронларни йўқлаб, кўмакка муҳтожларга саховат кўрсатиладиган ушбу байрамнинг шуқуҳи ўзгача. Лекин бу шодмёна кунларнинг ташвишини чекиб, туғларини беҳаловат ўтказайётган оилалар ҳам йўқ эмас. Зукко газетхон юқоридагилардан гап нима хусусида бораётганини сезиб, хис этиб турибди. Шундай бўлсада гап тоғора можароси ва хайит маросимларини ўтказишда ортика ҳаражатлардан қочиш устида бораётганини яна бир бор таққорламоқчи эдик. Бу масала юзасидан ўзимизча хулоса чиқаришдан олдин баъзи ҳам-шаҳарларимизнинг шу ҳақдаги фикрлари билан қизиқдик. Зеро халқимизда «Кўпники кўл» деган сўз бежиз айтилмаган. Суҳбатдошларимизнинг билдирган фикр ва мулоҳазаларининг қисқача баёни қуйидагилардан иборат:

— Ахир кун кеча тўйда ҳаммасига қилдингку сарпо-суруқларни.

— Униси бошқа, буниси бошқа эмиш. Қошки кийим-кечак билан кутулсак. Бу ёқда тоғора жанжалини айтмайсанми? Аёлим унча тоғора қиламан, бунча тоғора қиламан деб кеча-кундуз уриниб ётибди.

— Хотинини телевизорда берилётган «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси» сериалини эслатмадингми?

— Эслатдим. «У кино, ҳаётда бунақаси бўлмайди. Тағин ҳам тоғорани қамайтириб кўрсатишибди. Аслида ҳозир 50-60, ҳатто юзтага етказиб тоғора қилаётганлар бор, деб мени лол қилгяпти.

Сўраганимнинг бир юзи, бермаганимнинг икки юзи қора. Ҳозир дўстимга хотининг бекор айтибди, қабилда гап қилиб, ақл ўргатсам дили вайрон бўлиши турган гап. У минг андиша билан яқин тартиб олдимга келибдими, демек қай даражада бўлмасин ҳожа-тини чиқаришнинг керак. Шундай ҳаёллар билан у айтганча бўлмасада ҳар қалай ярим-ёрти пулни олиб қичиб қўлига тутқаздим. Ётиги билан кўпга қараб оёқ узатишини тушунтирдим. Беғали сўзларимни худди гуноҳкордек бошини эгиб тинглади. Хайрлашди бир алпозда хомуш тартиб орқасига қайтди. Шу топда у ўзини эмас, ҳатто мени ҳам онир ҳаёллар кўпга қараб оёқ узатишини тушунтирдим. Беғали сўзларимни худди гуноҳкордек бошини эгиб тинглади. Хайрлашди бир алпозда хомуш тартиб орқасига қайтди. Шу топда у ўзини эмас, ҳатто мени ҳам онир ҳаёллар кўпга қараб оёқ узатишини тушунтирдим. Беғали сўзларимни худди гуноҳкордек бошини эгиб тинглади. Хайрлашди бир алпозда хомуш тартиб орқасига қайтди.

Утган хайит кунда аёлим кўчадан гап топиб келди.

— Вой отаси, кўрмабсиз, оламга келмабсиз. Ҳақимохонлар қудасиникига хайит қилиб 80 та тоғора жўнатибди. Уларда бедана қабобдан тартиб, қаз-қарталаргача бор эмиш. Сарпо-суруқларни айтмайсизми бир олам. Келин-кўёнга уч-тўрт сидрадан бош-оёқ кийим, келинга тилла занжир, кўёнга тилла соат занжири билан. Кўёнинг ота-онасига қўматбаҳо кийим-кечаклар, ҳатто қизининг овсинининг кечакча тугилган бешикдаги қақалогини ҳам унутмабди-я.

Аёлим оғиз кўпиртириб гапиряптию, менинг кўз ўнгимда ўтмиш жонланяпти. Биз хотиним таърифлаётган Ҳақимохонлар билан девор-дармим қўшни эдик. Онир йиллар эди Ҳақимохоннинг отаси Қудрат ака тўсатдан бевақт оламдан ўтди. Унинг аёли

Зеби хола олти ёшли қизалоқ — Ҳақимохон ва бир ўғилчаси билан ёлғизлиб қолди. Болаларни боқиб осон эмасди. Шунинг назарда тутиб бу оилага биз ҳам, бошқа ҳимматли қўшиллар ҳам баҳоли қудрат ёрдамлашиб турдик. Лекин ном тақдир эди. Шу боис баъзида оиламиздан орттириб қўшимиз бечорана ном бера олмасдик. Шундай вақтларда оч-юпун етимчаларни кўриб биз қўшиллар дил-дилдан эзилардик, лекин қўлимиздан ҳеч нарсга келмасди. Чунки ўзимизнинг қорнимиз нонга тўймади.

Қудрат ақанинг аёли Зеби хола ҳам ётиб қолди. Очлик, болалар ташвиши бечорани шу кўйга солди. Бир кун ирим кечанда

қўшни ҳовлидан чиқаётган гўдакларнинг ноласидан бутун маҳалла оёққа турди. Уша томон югурдик. Бечора Зеби хола қўлида бир бурда нонни чангаллаганича унсиз ётарди. Шунда бу аёлимиз қудратига ҳаммамиз тан бердик. Очликдан қанчалик қийналмасин ўша нонни ўзи емай, болаларига илинганича оламдан ўтибди шўрлик.

Ҳақимохон нахотки ўша кунларни унутган бўлса? Агар унинг онаси Зеби хола ҳаёт бўлганида ўтмишининг оғир кунларини унутган бу қизининг қилмишини қандай баҳоларди?

Барибир тешик қулоқ эшитарканда. Хайит кунларида биргина тортининг ўзига юз мингдан ортиқроқ пул сарфлаб буюртма берганларни, хайит баҳона кўёвга машина тўхта қилганларни кўриб-эшитиб турибмиз. Шу ўринда ҳақи бир савол туғилди. Ҳўш, бундай дабдабозликка берилётганлар қиллар ахир? Улар қайси пулга қилишяпти бу ҳаражатларни? Ошиб-тошиб кетган бу бойваччалар ўзлари билан бир маҳаллада турган бечорахон оилаларга бир қиё боқшармикан. Билмадик, бундай одил муносабат ҳар қалай улардан узоқ бўлса керак. Афсуски, шундай дабдаба эгалари, манманлар, шунинг орқасидан сохта обрў топишга уринаётганлар ҳаётимизда учраб турганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Уларнинг кўпчилиги бир мақсадни қўлаб, яъни узатишган қизларнинг оилада тили узун бўлиши учун атайлаб сарпо-суруқларни бисёр қилиб, қўша-қўша тоғораларни жўнатишди. Еган оғиз уяладида ахир.

Шу ўринда хайит-маъракалар ҳақида ҳам икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади. Баъзи кишилар томонидан маъракаларни дабдабали тўйга айлантиришдек ҳолат юзга келтириляётгани кишини ташвишга солади. Чунки, хайит маъракаларида тўкин дастурхон ёзилиб фотиҳага келганларга қаз-қартали ошлар тартиляётганини кўриб ҳайрон қолсан. Ахир мотамсаро оиланинг кўнглига шундай тўкинчилик сиғадими? Орамизда ўз обрў-эътиборини ошириш, маҳалла-қўйга ўзининг қимлигини кўрсатиб қўйиш юзасидан ҳам шу йўлни тутадиганлар бор. Аслида эса ота-она ўлганидан кейин эмас, уларни тирикчилигида эъзозлашмишиз керак.

Яқинда қизини турмушга берган жияним билан учрашиб қолдик. Ундан кўнгул сўраган бўлдим. Тоғора ҳақида оғиз очсам у қулиб:

— Биз бунақа ташвишлардан ҳолимиз. Қудам билан келишиб хайит расм-русумларини баҳоли қудрат ўтказадиган бўлдик. «Ортиқча даҳмазининг кимга кераги бор, уч кунлик хайит ўтади-кетди. Тоғора-поғораларга сарф бўладиган маблагни оиламизнинг қор-қолига яратсак бирор биздан хафа бўладими?» деди қудам.

Хайрият, тушундирган одамлар ҳам бор экан. Ўйини дамларда оқшомхонлардан ҳам тахиритимизга қалаётган кўпчилик мактубларнинг мазмунда «Тоғора ташвишидан қачон қутуламиз?» деган савол ётибди. Хуллас қарашлар, фикрлар ҳар хил. Қувончлиси шундаки, замонамизга хос бўлмаган бу иллатга салбий муносабат йил сайин кучайиб бормоқда. Кенг жамоатчилик, қолаверса маҳалла фаоллари, уларда хизмат қилаётган маслаҳатчилар бу борада қатъий тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Ўйлаймизки, бу йўналишдаги савй-ҳаракатларимизнинг ижобий натижаси ўз замонасини кўрсатади.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

26
декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов куни

ДЕМОКРАТИЯ — БУ ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИ ВА ҲАЛОЛЛИГИДИР

Профессор Фредерик Старрнинг илмий фаолияти анчагина салмоқли. У Йел, Кембриж ва Принстон университетларида таълим олган, тадқиқот ишлари олиб борган. Қэннан институтининг асосчиси ва биринчи директори, кейинчалик - Американинг қатор университетлари президенти. Қўллаб-таъқиқот ташкилотлари ва жамғармалари, жумладан, "Евроосий" жамғармасининг ҳаммуассиси ва кенгашлари аъзоси. 1996 йилдан Ж.Хопкинс университетининг Марказий Осиё ва Кавказ институти директори.

Ноябрь ойининг бошида Ф.Старр Ўзбекистонда бўлди. Шу вақт мобайнида режалаштирган тадбирлари кўп бўлишига қарамастан, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ҳам бир неча марта учрашиб, мулоқот қилди. Куйида Ф.Старрнинг "Жаҳон" ахборот агентлиги шарҳловчиси билан суҳбати келтириляпти.

— Ўзбекистонга таширфимнинг сабаби декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловлар, парламент испохоти-дир, - дейди жаноб Старр. — Биринчи олган таассуротим - бу мамлакатнинг олдинга ҳаракат қилаётгани билан боғлиқ тушунарди. Шунингдек, кишиларнинг кўпи хиссини ҳам тилга олиш керак. Эътиборли томони, уларнинг кўпи хисси ижобий мазмунга эга. Бу бўлиб ўтажак сайловларга ҳам тегишли. Менимча, сайловлар мамлакатининг олдинга қараб қўйган шахдам қадами бўлади.

— Улар Ўзбекистон сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади, дея оласизми?

— Шак-шубҳасиз. Мен учун сайловларга тайёргарлик жараёнидаги муҳим сўз — бу ошқоралиқдир. Ўзбекистон бутун дунёга "келинг, қаранг, кузатинг" дея мурожаат қилмоқда. Мен ушбу сайловларни муҳим, деб аташимнинг яна бир сабаби қуйидагича: уларнинг муваффақиятли ўтишидан нафақат ҳукумат, балки мамлакат халқи ҳам манфаатдордир.

— Самарқандда "Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги" мавзусида ташкил этилган анжуманда иштирок этдингиз. Унда сизнинг чиқишингиз нимага бағишланди?

— Ўзбекистоннинг етакчи сиёсий партияларига. Баъзи экспертлар "юкори"нинг ташаббуси билан ташкил қилинган учун уларнинг келажиги йўқ, деб ҳисоблашди. Мен бундай фикрга умуман қўшила олмаман. Партиялар фаолиятини диққат билан кузатар эканман, улар тўлақонли сиёсий ташкилотларга айланаётганига ишончини қомил бўлаяпти.

— Бунинг устига аниқ давлат арбоби учун тузилган партиялар ўн йиллар давомида сиёсий йилда муҳим мавқега эга бўлган билан боғлиқ мисолларни тарихдан келтириш мумкин. Масалан, 1958 йилда Францияда де Голлнинг Демократлар иттифоқи партияси асосида ташкил қилинган Республикани қўллаб-қувватлаш бўлими бирлашгани олсак...

— Албатта, нихоятда ўринли мисол. Москвада Россия Федерацияси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили В.Лукин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова ўртасидаги ҳамкорликка оид битим имзоланди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

Шартнома ушбу муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини давлат томонидан ҳимоя қилиниши, турли расмий идоралар ва мансабдор шахслар уларга қатъий риоя этиши борасидаги фаолиятига қўмаклашишга қаратилган.

Омбудсманлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалаларида мунтазам равишда ўзаро ахборот ва таж-

риба алмашиш, анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни уюштиришга келишиб олишди.

— Битим Россия ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома доирасида тузилди, - дейди В.Лукин. — Биз ўзаро келишувлар мамлакатларимиз демократик тараққиётида янги муҳим босқич бўлиши учун бир-

галикда ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Томонлар имзоланган ҳужжат асосида ўз давлатларида мавжуд халқаро ҳуқуқий механизмларга мос тарзда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш стратегиясини белгилашга имкон яратувчи қўшма институционал лойиҳалар ишлаб чиқиш заруратини кайд этишди.

Халқаро масалаларни ёритувчи "Sociallook international" журналининг шу йил октябрь ойи сони ҳам тўлалигича Ўзбекистонга бағишланди. Ушбу нашрнинг мамлакатимиз ҳақидаги махсус сони "Ўзбекистон Республикаси: парламент сайловлари арафасида" деган умумий сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Журналининг дастлабки саҳифаларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда буғунги Ўзбекистон тўғрисидаги умумий маълумотлар ўрин олган. "Диққат марказида: Ўзбекистон парламенти ҳаёти" руқни остида эса Олий Мажлисининг 15-сессияси, бўлажак сайловларда иштирок этадиган партиялар, Сенат биносининг қурилиши, сайловларда хорижий қулатувчиларнинг иштироки сингари мавзуларга оид қатор ахборотлар жамланган.

Маълумки, бўлажак муҳим сиёсий воқеа - сайловлар олдидан мамлакатимизнинг турли шаҳарларида қатор халқаро анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Уларда ду-

профессори Нирмала Жоши ҳамда Хиндистон молия институти бизнес мактабининг директори, профессор Аман Агарвал-

ҲИНД МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган "Political Events" ("Сиёсий воқеалар") номли ҳафталик халқаро журналнинг сўнгги сонларидан бирида мазкур журнал сиёсий бўлими муҳаррири М.К.Дхарнинг "Ўзбекистон фундаментализми билан кураш" эъда, дебатияни ривожлантиришда" сарлавҳали мақоласи босилиб чиқди. Унда муаллифининг мамлакатимизда демократик сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва икки палатали парламент фаолиятини йўлга қўйиш хусусидаги фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

лар иштирок этишяпти. "Хиндистон САПРА жамғармаси" ижроия директори Индрани Банержи, Жавахарлал Неру университети

лар ана шундай халқаро тадбирлар ишида қатнашиб кайтдилар. Уларнинг Ўзбекистонда бўлиб ўтган семинар ва конференция-

лар хусусидаги таассуротлари ҳам ушбу журнал саҳифаларидан жой олган. "Ислом Каримов жаноби олийлари етакчилигида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини барпо этиш, шунингдек, демократик институтлар ҳамда фуқаролик жамияти тизимларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар эътиборга сазовордир", деб ёзади жумладан А.Агарвал.

Шунингдек, "Sociallook international"нинг ушбу махсус сониди "Диққат марказида Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар" руқни ҳам мавжуд. Мазкур мавзуга бағишланган саҳифаларда Хиндистон ташқи ишлар бўйича давлат вазирининг яқинда Ўзбекистонга қилган сафари, Хиндистон ва Ўзбекистон саноатчиларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари ривожига ҳикоя қилувчи мақолалар ва ўзаро ҳамкорликка оид бошқа ахборотлар ўз аксини топган.



Европа Иттифоқининг (ЕИ) рамзи ҳисобланмиш Рим шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган Конституцияни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Маълумки, 47 йил муқаддам айнан Италия пойтахтида ЕИ асосчилари томонидан Европа иқтисодий ҳамжамиятини тузиш тўғрисидаги шартнома имзоланган эди.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ КОНСТИТУЦИЯСИ ИМЗОЛАНДИ

Ушбу маросимда ЕИнинг 25 аъзоси мамлакатлари давлат ва ҳукумат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ҳамда иттифок аъзоллигига номзод давлатларнинг раҳбарлари иштирок этдилар.

Айтиш жоизки, аъзо давлатлар бир йилдан буён бир тўхтамга келишларига Конституциянинг мурраккаб тузилганлиги тўққинчи қилаётган эди. Мазкур ҳужжатнинг дастлабки лойиҳаси 2002 йил февраль ва 2003 йил июнь ойлари оралигида Валери Жискар д'Эстен раислигида аъзо давлатларнинг ҳукумат вакиллари иштирокида ишлаб чиқилганди.

333 бетлик Конституция тўрт боб ва 465 моддадан иборат. Биринчи бўлим, иттифокнинг кадр-киммати, мақсади, мажбурияти, қарор чиқариш усули ва иттифок муассаларини аниқлаб беради. 2000 йил Нишдада қабул қилинган Асосий ҳуқуқлар харитяси бўлимдан жой олган, учинчи бўлим эса дунё сиёсат майдонида ҳаракатланиш тартибини белгилаб беради, сўнгги қисмда Конституцияга ўзгариштирилган қиритиш тўғрисидаги имкониятлар ўрин эгаллайди.

2007 йилда тўла қучга киритилгандан сўнг Конституция Европа иттифоқининг 450 миллион аҳолиси учун мажбурий ҳисобланади. Бироқ ушбу муддатга мазкур умумевропа ҳужжати ЕИ аъзолари томонидан ратификация қилиниши лозим. Бу

жараён 25 давлат орасида турли кўринишда амалга оширилди. Масалан, Германияда уни Бундестаг ва Бундестратининг қарори билан ратификация қилиш мўлжалланган. Буюк Британия, Франция, Испания, Португалия, Ирландия, Дания, Люксембург, Польша, Чехия, Литва, Нидерландия ва Бельгия каби қатор давлатларда эса мазкур масала юзасидан референдум ўтказиш кўзда тутилган. ЕИнинг ҳозирдаги раиси Нидерландия бош вазир Ян Петер Балкенэнде Конституциянинг имзоланиши ЕИ қонуни шаклланиш жараёнининг бошланиши эканини таъкидлади. Германия канцлери Герхард Шрёдернинг таърифида, Конституция қабул қилинганлиги ЕИда тарихий сана бўлиб қолади.

Конституция қабул қилиниши билан Иттифок органлари — Европа парламенти, Вазирлар Кенгаши, Европа Комиссияси, Европа Олий суди ва Европа Ҳисоб палатаси фаолияти янгитдан тартибга солинади.

Шунингдек, иттифок микёсида учта раҳбарлик лавозими жорий этилади — Европа ҳукумати раиси, унинг муовини даражасидаги ташқи ишлар вазир ва икки ярим йилга қўшимча яна бир муддатга сайланиш имконияти билан Европа Кенгаши раиси, Кенгаш раиси ҳар уч ойда бўлиб ўтадиган давлат ва ҳукумат раҳбарлари учрашувларини тайёрлайди ҳамда кенгашларда

раислик қилади. Бу билан ҳозирги кунда аъзо давлатлараро алмашилиб келадиган Кенгаш президентлиги тизими ўзгартирилади. Вазирлар кенгаши учрашувларида бошқарув гуруҳи ҳар 6 ойда эмас, балки 18 ойда алмашади.

Европа Ташқи ишлар вазири ваколати айнаи пайтадги «умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакилик» вазифасига нисбатан анча юқори бўлади. Ушбу лавозимни эгаллаб турган шахс бир вақтинчи Ўзбекистон Комиссиясининг ташқи сиёсати учун масъул вице-президент вазифасини ҳам бажаради. Бу билан ЕИ Вазирлар Кенгаши ва Комиссияси ўртасидаги узвий боғлиқлик йўлга қўйилади. Келгусидаги Европа ташқи ишлар вазири Ташқи ишлар вазирлари кенгашида раислик қилади — бу эса унинг ваколатларини янада кенгайтиради.

ЕИ Комиссияси комиссарлари таркиби борасида ҳам аҳолиси кам аъзо давлатлар билан мurosага келинди. Ҳукуматлараро конференцияда «бир давлат — битта номзод» тамойилини олдинга суратган давлатлар Европа Комиссияси аъзолари сонини чеклашга қаратилган лойиҳа юзасидан бўлиб ўтган мунозараларда ўз сўзларини ўтказишга муваффақ бўлдилар. 2014 йилдан бошлаб иттифок Комиссияси комиссарлари сонини 25 тадан 18 тага қисқартириш кутилмоқда.

БОЛАЛАР КИТОБЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

Москвадаги Россия Давлат болалар кутубхонасида Ўзбекистонда нашр этилган болалар китоблари кўргазмаси очилди. У "Ўзбекистон маданият ва санъат форуми" жамғармаси, Россия Давлат болалар кутубхонаси, Россия болалар китоби клуби, Ўзбекистон Давлат болалар кутубхонаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида "Томоша" болалар мусиқий гуруҳи ўз санъатини намойиш этди.

Россия Давлат болалар кутубхонаси директори

лари билан танишган эдилар.

"Жаҳон" ахборот агентлиги материаллари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН



Юнистонда мамлакат маданият вазирлиги ҳомийлигида Халқаро мусиқа ва санъат ассоциацияси томонидан ташкил қилинган пианиночиларнинг "Konzerteum 2004" халқаро танлови нихоясига етди. Унда Арманистон, Болгария, Юнистон, Грузия, Қозғистон, Россия, Руминия, Польша, Япония каби ўттиздан ортиқ мамлакат ёш мусикачилари иштирок этишди.

ЁШ ПИАНИНОЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Афинада пойтахтимиздаги Успенский номли республика махсус мусиқа академик лицейи тарбияланувчилари Шахноза

бўлишди. Ўзбекистон ҳайъатининг энг ёш вакили Фарангиз Шорахметова эса тўртинчи даражали совринни қўлга киритди.

Танловнинг якуновчи концертида мамлакатимиз ёш пианиночилари томонидан Шуберт ва Григ асарларининг маромига етказиб ижро этилиши ихлосмандлар томонидан олқишлар билан қутиб олинди. Мусиқа байрами ташкилотчилари томонидан ўзбек мураббийларининг юксак касб маҳорати ҳам юқори баҳоланди.

КЕЛИШУВГА ЭРИШИЛДИ

Мамлакатимиз Фанлар академияси ҳайъати аъзолари Хитойда бўлиб қайтишди.

ХФР Фанлар академияси президенти Лу Юнсян, ХФР Ижтимоий Фанлар академияси, генетика, автоматика, табиатшунослик, юқори қувват физикаси, ботаника, электр муҳандислиги институтлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувлар чоғида икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, фан ва техниканинг турли жаҳаларида ҳамкорликнинг янги йўналишларини аниқлаш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар долзарб илмий муаммолар бўйича доимий ахборот алмашиш, шунингдек, биргаликда симпозиум ва анжуманлар ўтказиш, олимлар, айниқса,

ёш олимлар алмашишини кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар. Жорий йилда Ўзбекистон олий ўқув юртларининг юзга яқин ўқитувчилари ахборот технологиялари ва телекоммуникация соҳаси мутахассислиги бўйича Шанхайда малака ошириб қайтди.

Музокаралар якунида Хитой Фанлар академияси ҳайъатининг келгуси йил Ўзбекистонга таширфини ташкил этиш тўғрисидаги келишувга эришилди.

Таширф давомида Хитой илмий ва ишбилармон доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида республикамиз илмий салоҳиятининг тақдиримот маросими бўлиб ўтди.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
домо бўлар...

● Ўтган ишга пушаймон бўлиш энг оғир дард.
● Охири пушаймонлик билан тугайдиган лазатдан фойда йўқ.
● Яхшиликни кўп қилган кишининг пушаймонлиги кам бўлади.

● Пушаймонлик уч хил бўлади: бир кунлик, бир йиллик ва бир умрлик. Бир кунлик пушаймонлик арзимаган пушаймонлик бўлиб, у бирор нарсани ея олмай қолиш, арзимаган нарсасига эга бўла олмай қолиш сабабли пайдо бўлади. Ва тезда унутилиб кетади. Бир йиллик пушаймон эса қўлидан келса ҳам бепарволик туйғайли тайёр ерга экин эммай вақтни ўтказиб бориш орқали келади. Бир умрлик пушаймонлик эса адашиш орқали муносиб бўлмаган мурасасиз хотинга уйланиб қолиш орқасидан келади.

● Ўз айбини кўрмаган ўзга айбин қидираб.

Дўстинг оч бўлса, сен тўқ бўлсанг, бу айбдор!

● Бир кунлик тарихга эгадир жахон.

Юз йиллик бойликни қилмайллик пинхон.

Кел, бунда ўтириб, бўлайлик бир шод.

Тасаввур қилайлик ўзини Кайкубод.

Дунё роҳатидан талаб қилиб дод.

Кечаю эртани айламайллик ёд.

● Давлат гоҳи келиб, гоҳида кетар.

Бефарқ кишилар ўзини йўқотар!

● Кишида икки гўзаллик бўлиб, улар ички ва ташқи гўзалликка бўлинади. Ташқи гўзалликка кишининг барча аъзолари, масалан, кўз, қулоқ, қош, юз, лаб, оғиз, қомат киради. Ички гўзаллик эса кишининг ёқимли хулқлар билан безанишидир. Бу хулқлар мулоимлик, саховат, шижоат, илм, камтарлик, ифбат ва шунга ўхшаш бошқалардир.

● Бойлигининг мағрурланма, унинг усти чиройли кўринса ҳам ичи ниҳоятда ифлос бўлиб, кишини минг турли балоларга дучор қилади. Барча ишни шовмасдан ўйлаб қил. Сиригини ҳаммага айтаверма, илмсиз кишининг айтган гагига ишониб иш тутма, ўтган ишга қайғуриб, умрингни зое ўтказма! Шеър:

Дилимда қанчалар сўзим бор биров,

Шакарнинг кўпидан озидир созрок!

Оз сўздан киши ҳеч бўлмас пушаймон,

Кўп сўздан кишига етади зиён!

● Ақл ва фаҳм Хонининг соҳиблари ва ахлоқ дастур-хонининг лаззатшўнослари шундай айтдиладарки, агар икки рафиқ Хон ёки дастур-хон устида шерик бўлсалар, овқатга бир-биривидан аввал қўл узатишга шовилмасдан, бир-бирига тақлиф ва илтифот юзасидан йўл тутсинлар. Монандли ит ва тўнғиз ҳамда бошқа ҳайвонлар каби ўзини овқатга отмасликларига керак. Кимки, ёш жиҳатидан кичик бўлса ёши каттагони овқатга қўл узатмагунча сабр қилмоғи лозимки, бу зарур ахлоқ қоидаларидан ҳисобланади.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларидан)

Шундай танг вазиятда болалар тарбияси, истиқболи қандай бўлади, тилимиз унутилиб кетмайдими, — буларнинг барини пухта ўйлаш лозим эди. Ўз маданиятимизнинг, урф-одатларимизнинг унутилишига, анъаналаримизнинг бузилишига, оёқости қилинишига асло йўл қўйиб бўлмайди, йўл қўймайдилар ҳам, Саид Махмудхон Тўранинг бунга ишончи қомил!

Хуллас, барини, яъни ўзлимизни сақлашимиз зарур ва шарт! Аммо қандай қилиб?.. Қандай йўл билан?

Бу муаммо Афғонистонлик ўзбеклар бошини оғритган нарсасига айланди.

Уларнинг, албатта, шу пайтларда Ўзбекистонга қайтиб келишлари мумкин эмасди, буни барча идрок этиб турарди. Қошқийди, бунинг имкони бўлса!.. Қошқийди, имкони бўлса!..

Дунёда ўзбекларга урф-одати, тили яқин бўлган бир озод туркий давлат бор, унинг номи Туркиядир. Агар кўчиб кетиладиган бўлса ёлғиз шу мамлакатгагина бориш мумкин. Ҳа, фақат Туркия мамлакатига. Саид Махмудхон Тўра, бу иш қилинадиган бўлса, қанча тез бўлса шунча мақбуллигини англади. Лекин у ерда ҳам яхши замонлар келгунча туришди, кейин фурсат етганда Она юртга қайтишди.

Шу пайт Афғонистонда бир туркиялик аскарй доктор яшарди. Асли аскарй доктор бўлса ҳам ўзи мулкй сифотида хизмат қиларди. Ўзбекларга хайрихоҳ, ҳаммаша ёрдам қилини қўзғадиган, бемору бетобларга қараб турадиган, меҳрибон бир одам бўлганидан ватандошларимиз уни ўзларига яқин қўрқардилар. Аскарй докторнинг исми Халил Гурун эди. Халил Гурун Туркиянинг Афғонистондаги консулхонаси билан музокаралар олиб бориб, ватандошлар учун Туркияга кўчиб кетишнинг осон йўллариин қидирди. Бир чеккаси, уни консулхонада яхши билардилар ва ҳурмат қилардилар. Халил Гуруннинг бошқа сафаратхоналарда ҳам танишлари кўп эди. Бу ҳам ишнинг битишида кўл келди. Натижада Саид Махмудхон Тўра бошқик тўқсон уч ўзбек оиласи Туркияга кўчиб кетиш истагини билдириб, ижозат сўраб Туркия ҳукуматида расмий мурожаат этдилар.

Албатта, бу ишлар афғон ҳукуматидан яширинча олиб борилад. Афғонистон подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ бундан огоҳ бўлганда, у юртдан кетишга ижозат бермаслиги аниқ эди, Саид Махмудхон Тўра бунга яхши биларди. Лекин Туркияга кўчиб кетиш нияти тобора кучайиб борди ва Муҳаммад Зоҳиршоҳ ҳукмронлиги даврида узок йиллар кўнгулларини забт этган муқаддас орзу, омонга айландики, амалга оширмасе илож йўқлиги муқаррар бўлиб қолди.

Ими-жимиди ҳужжатлар тўплашга киришдилар. Тўқсон уч оила аъзолари учун паспортлар тайёрлаш, Покистон визасини олиш ва сафарга керакли яна бошқа бир турли қозғоаларни тахт қилиш лозим эди. Бу ишларга салкам икки йил кетди.

Саид Махмудхон Тўра ўз ҳолисини сотиб йўлга биров маблаг жамғариб олди, вақтинча бир муридининг уйига қўчиб ўтди. Бошқа ватандошлар ҳам аста-аста шундай ишларини битиришиб, кам-кўстларини тўғирлаш ҳаракатида бўлдилар.

...Ниҳоят Афғонистондан чиқиб кетадиган кунлар ҳам этиб келди. Барча Саид Махмудхон Тўранинг Қори Абдурасулхон деган муриди уйига тўпландилар. Бу ерда Туркияга кетаётган муридлардан, ўзбеклардан ташқари жуда кўп афғон муридлари ҳам хайр-хўшлашмоқ учун келишган эди. Қори Абдурасулхоннинг кенг ховлиси бу кеча гавжум бўлиб кетди. Катталар қатори бола-бақралар, ўғил болалар, қиз болалар бўлиб, улар ичиди Саид Махмудхон Тўранинг ўн икки ашар ўғли Насруллоҳ ҳам аралашиб юрарди.

Насруллоҳ Тўра ҳикоя қилишича, жамоат ҳам бўлганда қизик ҳодиса рўй беради. Тўқсандан икки қиз худди бир варақайга тутқаноқ тутгандай қалтираб бошлайдилар. Ўн-ўн икки ёшлардаги қизалоқлар хуруждан бақириб-чақирига тушадилар. Ҳамма хайратда: «Шайтонлаб қолди! Шайтонлаб қолди!» дейарди. Саид Махмудхон Тўра қизларга ажина хуруж қилганини пайқайди. Дар-

ров мудохала айлал, куф-суф этгач, қизалоқлар биров ўзларига келдилар. — Нима истайсизлар? — сўради Саид Махмудхон Тўра...

Қизалоқларнинг бири ажина хоҳиши ила бирдан бундай деди:

— Ажина пошшосиман... Тўра Соҳиб, биз сизни отамиздай кўрамыз, пиримиз деганмиз. Энди бизни ташлаб кетмоқдасиз. Бундан жуда ҳам қайғудамиз... Аммо йўлингиз очик бўлсин, деб келдик...

Қизалоқларнинг бири ҳаммани хайратда қолдириб Саид Махмудхон Тўрага бир гулдор тасбиҳ билан иккита беш рупиялик пул берди ва деди:

— Бу пулни чўнтагингизга солиб олингиз. Ҳеч бир вақт худо сизни торликда қол-

валлуд» кунлари нишонланди! Бизнинг бундай тутумимиз, шубҳасиз, ота-боболар, аجدодлар руҳини шод этади, ундан худо ҳам, бандаси ҳам рози бўлади.

Биргина Амир Темури Қўрагон тақдирига назар ташлайлик. Фикри оҳимизча, мустикалик энг аввало Амир Темури қисматида намоён бўлди. Қандай улкан ўзгаришлар! Кишининг қалбига гурури соғлғуви ўзгаришлар! Мен бу ерда даставвал зоҳирй эмас, балки Амир Темури ҳақидаги ботиний ўзгаришларини, яъни онгларидаги энг муҳими, қайсар онгларидаги ижобий эврилишларини кўзда тутмоқдам.

Ўз юртида «қотил», «босқинчи» деган номлар билан аталган буюк бобомиз, айтми лозимки, фақат озод Ўзбекистонда, халқимиз

мустикалик надиҳасини сура бошлаган даврда, чинакам исми жисмига мос «ўзига бек» бўлган замонда шарафли фарзанднинг чинакам қадр-қимматига эга бўлиб бораётган. Бунда даставвал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг улуг хизмати, қўргизган сай ҳаракатлари ва бемисл жасоратини айтиб ўтмоқ жоиздир.

1996 йилда ЮНЕСКО Амир Темури таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қилди. Ўзбекистон ҳукумати шу йилни «Амир Темури йили» деб атади.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида Амир Темури бағишланган анжуманлар, учрашувлар бўлиб ўтди, соҳибқироннинг Она-Ватанида эса бу санани нишонлаш фавқуллода миллий байрамга айланиб кетди! Айниқса, Европанинг қоқ маркази — Парижда бўлиб ўтган тантаналар тарих зараврақларига олтин харфлар билан ёзилишига асло шубҳа йўқ! Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иштирок қилиши алоҳида аҳамият касб этди. Айтнинг-чи, тарих шундоқ бир қутлуг ҳодисанинг қачон шохиди бўлган?.. Бир эслайллик-чи... Йўқ, бундай ҳодиса халигача юз бермаган эди. Бунга йўллаганда, қўнглинг ададсиз қувончларга тўлади. Такрор-такрор таъкидлаб қарчмайдиган ҳақиқат!

Дарвоқе, ўзим гувоҳ бўлган буюк бобомизга боғлиқ бир ҳодисани айтиб ўтишни лозим топаман. Амир Темури тантаналари йили, яъни 1996 йилда қаминига АҚШнинг Вашингтон университети тақлифи билан Сизтлга бориб «Марказий Осиё зиёлилари Сталин қатағонлари даврида» мавзuida ёзилган юз саҳифадан ортиқроқ курс маърузаларини мазкур билим даргоҳи талаба-ю аспирантлари ҳузурда ўқиш насиб этди. Ўзбек маданиятининг садоқатли тарбиячиси, Ўзбекистон Миллий университети Фаҳрий доктори, Вашингтон университети профессори, таниқли турколог Илза Сиртаутас хоним ташаббуси билан университетда шу йил апрель ойида «Амир Темури ойлиги» ўтказилди.

Бир ой давомиди «Амир Темури ва унинг даври» гарб олимлари асарларида» (профессор Илза Сиртаутас маърузаси), «Амир Темури қабиласи: барлослар» (Монкендан келган профессор Қавомиддин Барлос маърузаси), «Амир Темури сиймоси тарихий ва бадий адабиётда» (қаммининг маърузаси) ва бошқа бир кўп маърузалар тингланди. (Ўрни келиб қолди, айтиб ўтай. 1996 йил 23-26 октябрь кунлари буюк соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишланган Тошкентда ўтказилган «Амир Темури ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» халқаро илмий анжуманида мен ушбу маърузам билан иштирок этган эдим. Вашингтонда чиқадиган «Сентрал Эйша мониторинг» журналининг 1996 йил учинчи сониди «Амир Темури ҳақида сўз» мақолам босилиб чиққанди.)

Ундан кейин Ёвиган саволларни айтсангиз! Хар бир саволга берилган жавоб юксак маънавиятимизни хорижликлар олдида намоён қилишга яратилган имкондай туюлди менга ўшанда... Вашингтон университети аспиранти Каган Арик эса ўзи басталаган «Амир Темури» куйини қилиб бериб барчани мамнун этди...

Буларни нима учун келтираётиман? Бир лажза дўппини ерга олиб қўйиб ўйлаб қўрайлик.

Агар мустикаликка эришмаганимизда шундай бўлиши мумкинми? Йўқ, бўлиши мумкин эмас эди! Буларнинг бари кишини яна ва яна ўйларга толдиради...

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбек адаблари — «Оқшом» уғун

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

дирмасин, пулсизлик балосидан сақласин...

Ишонса ҳам, ишонмаса ҳам бўладиган бу воқеа ҳамма муридларнинг кўз олдида тур берди...

Шундан сўнг барча тонггача зикр тушиб чиқди, ажиналар бўлса ўз маконларига қайтиб кетдилар. Қизалоқлар ҳам соғайиб, ота-оналарнинг қувончига қувонч қўшдилар.

Саид Махмудхон Тўра эрталаб жамоатга қарата бундай деди:

— Энди сафарга отланамиз... Ҳўш... хар кунни бир-икки оила Пешовар томонга қараб йўлга чиқсин. Тудаланиб юрилмасин. Шубҳага қоламиз, бу бўлмайди. Аста-аста кўчиб кетамиз. Мен энг охирида, ҳаммадан кейин йўлга чиқаман. Бу ерда кўз-қулоқ бўлиб туришим керак, бирон қор-хол юз бермасин... Пешоварда Қори Абдусалом деган киши бор, муридимиз, шу кишининг уйида учрашамиз...

Хайр-хўшлашиш бошланди. Барча, Афғонистонлик муридлар ҳам, кўчиб кетаётган ўзбеклар ҳам худди илк марта қўришишган кадрдонлардай фавқуллода меҳру таважжўх билан бир-бирларини бағирларига босар эдилар.

Узилгиси келмаган қўнғиллар чехраларга гамгинлик қўлкасини солиб, кўзалардан ногаҳон томчи-томчи ёшларни оқизар эди...

ЛИРИК ЧЕКИНИШ

Муҳтарам ўқувчим, Саид Махмудхон Тўра қарвони Афғонистондан чиқиб тоғу тошлар, дашту биёбонлар, шаҳру қасабалар, юртлар ошиб Туркия мамлакатига сари бораверсин. Сиздан уз сўраб, озгина лирик чекиниш қилишга журъят этаман.

Халқимизнинг энг эзгу одатларидан бири қадим замонлардан бери ота-боболар, аждодлар руҳини шод этиш, уларни хотирлаш, вақти-вақти билан эслаб туриш, муборак номларини унутмай авлод-авлодларга етказишдан иборат бўлиб келган. Бу ўзини маданиятчи халқман, деб ҳисоблаган миллатга тегишли фазилатдир.

Қадимдан халқимизда хар бир авлод ўз шажарасига эга эди. Шажарига қараб бу сулоланинг турмуш тарзи, даври, умуман тарихи ҳақида тўла тасаввур олиш мумкин. Афсуски, ўтмишимизга қизикиб қаттиқ қатагон қилинган пайтларда, хусусан шўролар даврида бу эзгу одат қандай унутилиб кетди. Бу, албатта, атайин қилинган, чунки халқ ўзининг шонли тарихи саҳифаларини ёддан чиқариш лозим, йўқ эса у қулдай хизмат қилмайди, вассалом.

Энди биз, озод мамлакат фуқаролари, буюк тарихимизни англаб етишга шиддат билан киришган ва миллатимизнинг жаҳон тарихига, маданиятига қўшган улкан ҳиссасини бутун кўрki билан англаб етишга ҳамда жаҳонга қўрсата олишга бел боғлаган инсонлар, бу одатларимизни изчил тиклаб бормоқдамиз. Суриштириб келинса, ҳамма улуғлар бизда... Озодликка чиққан имиздан сўнг, буюк боболаримиз Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Махмуд аз-Замаҳшарий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Гийдуновий, Нажимиддин Кубро, Баҳовиддин Накшбанд, Амир Темури Қўрагон, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг қутлуг тўйларини бўлиб ўтди.

Қадимий шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Шаҳрисабзларнинг «та-

Шарҳловчи

тинбари

МУХЛАТ ТУГАБ
БОРМОҚДА

Ироқда хорижлик фуқароларни гаровга олиш билан боғлиқ жиноятлар авж олмақда. Энди бу иллат Афғонистонга ҳам «юкди». Ўтган ҳафта ўзини «Мусулмонлар армияси» деб атайдиган жангари гуруҳ БМТнинг уч ходимини гаровга олди.

Гаровдаги филиппинлик Ангелино Найано ҳамда ирландиялик ва косоовлик икки аёл Афғонистон президентиликка ўтказилган сайловда БМТнинг ҳолис қузатувчиси сифатида қатнашаётган эди.

БМТнинг Афғонистондаги вакили Жангари гуруҳдан гаровдаги ходимларни зудлик билан озод этишни сўради. Ташкилот бош котиби Кофи Аннан эса гаровдагиларни қутқариб олиш учун барча чоралар қўрилаётганини айтди.

Экстремистлар гаровдагиларни озод этиш учун БМТдан чет эллик ҳарбийларни Афғонистон ҳудудидан чиқариб юборишни талаб қилди. Шунингдек, АКШ қамқоҳоналарида сақланаётган «Толибон» ҳаракати ва «Ал-Қоида» ташкилотининг бир неча аъзосини қўйиб юборилиши ҳам сўралмоқда.

Гуруҳ вакили Исҳоқ Мансур қўлга олинган уч ходимни куч билан озод этиш йўлидаги ҳар қандай уришни уларнинг ҳаёт билан муқаррар видолашувига олиб келишини айтиб, халқаро коалиция кучларини оғохлатирди. Унинг таъкидлашича, БМТ ходимларининг учаласи ҳам турли жойда алоҳида сақланмоқда. Улардан бирортасини топиб, озод этишга муваффақ бўлинса, қолган иккиси ўша заҳоти қатл этилади.

Исҳоқ Мансур келаётган жумага қадар талаблар бажарилмаса, гаровдагиларни ўлим қутаётганлигини айтди.

Афғонистон ҳукумати хорижлик фуқароларга қомандантлик соати қоидаларига қатъий риоя этиб, бемаҳалда хилват жойларда юрмасликни маслаҳат бермоқда.

Эслатиб ўтиш жоиз, яқинда Ироқда жангарилар томонидан Япония фуқароси Сеосэй Кода гаровга олинган эди. Экстремистлар Япония ҳукуматидан 48 соат ичида Ироқдаги япон ҳарбийларини олиб чиқиш кетишни талаб қилганди. Бироқ, Япония бош вазири талабни рад этгач, 24 ёшли С.Кода қатл этилди.

Акмал НАЗАРОВ,
Ўза шарҳловчиси

Обуна — 2005

«МУЛОҚОТ» — ЯҚИН МАСЛАҚДОШ

Мустақиллик ҳалқимизга маънавий ва моддий тараққиётга эришиш учун битмас-туганмас имкониятлар яратди. Ўзбекистон ўз миллий давлатчилигини тиклаш билан бирга демократия ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамияти бунёд этмоқда. Ижтимоий ҳаётимиздаги шу кунги барча сазй-ҳаракатлар кучли давлатдан кучли жамият сари боришга қаратилмоқда. Пухта ўйланган бу тараққиёт йўлидаги ютуқ ва муаммолар «Мулоқот» журналида атрафлича ёритиб боришмоқда. Журнал ташкил қилинган йиллариданоқ миллий гоини яратиш ишига катта эътибор билан қаради. Ушбу журнал ҳозирда ўн беш йиллигини нишонлаш арафасида.

Миллий гоа — ҳалқимизнинг келажаги билан биргаликда тараққиёт учун масъулиятини ҳам белгилаб берадиган муҳим омилдир. Бу омил, асосан, ўз қудратини ўттишдан, ҳалқимизнинг тарихи, унут бўла бошлаган анъаналари, урф-одатлари, қадимий маданияти ва меросидан олиши мумкинлиги барчага аён. Шу боис журнал маданиятимиз, анъаналаримиз, маслағимиз, урф-одатларимизни тиклаш, буюк аجدодларимиз яратган қимматли меросни тарғиб ва ташвиқ қилишни ўзининг биринчи даражали бурчидан бири деб билади. Шунинг учун ҳам журналнинг доимий руқилари — «Миллий анъаналар», «Умри узун удулар», «Мозийга сафар» ҳар бир оилага бир олам маънавий мулк олиб қиради. Бу руқиларнинг ўз ихлосмандлари, муштарийлари бор.

Янги давр кишисини, қомил инсонни тарбиялаш бугунги кунимизнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Журнал саҳифаларида ҳалқимизнинг тарихий мероси асосидаги ҳалоллик, тўғрилик, қамтарлик, самимийлик, ҳокисорлик, бағрикенглик каби ўзига хос миллий сифатларнинг мазмун-моҳиятини ту-

шунтирувчи, бу каби фазилатларни тарғиб-ташвиқ этувчи мақолалар қўллаб ёллон қилинмоқда.

Бугун жадал дунёга танилиб, оёққа тураётган мамлакатимизнинг самарали ютуқлари билан бирга айрим муаммолари ҳам бордир. Бу сингари муаммолар журналнинг иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия, сиёсий партияларнинг фаолияти, демократияни барқарор этиш ва бозор муносабатлари тўғрисидаги мақолаларда ўз аксини топомқда.

«Мулоқот» олоб-ахлоқ, ёшлар муаммолари, қомил инсон тарбияси сингари мавзуларга қайта-қайта мурожаат этмоқда. Журналнинг ҳар бир сони шарқ фалсафасининг дурдона фикрлари, ҳикматлар, ҳадислар, дунёни билиш учун ёрдам берадиган ажойиботлар ва турмушимиз доирасида керак бўладиган фойдали маслаҳатлар билан бойитилади. Бир сўз билан айтганда, журнал оила давра-сига бир олам маънавий-руҳий қудрат, оқиллик ва қомиллик сабоқлари олиб қиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилада «Мулоқот» журналининг бўлиши катта гоаявий-маънавий бойликдир. Журналга албатта обуна бўлинг.

Рашид РАУПОВ

ИЛМИЙ ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

«Ўзсабзавотмевавиносаноат холдинг» компаниясига қарашли корхоналарда кейинги бир йил ичида 20 га яқин консерва ҳамда қурилган маҳсулот турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунда компаниянинг шу соҳа илмий муассасалари билан ҳамкорлиги ҳам қўл келди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Микробиология институти билан тузилган шартномалар ҳам ўз ижобий натижасини бермоқда. «Резавор» ҳўл мевалар шарбати ва томат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш жараёнларида зарарли микробларга қарши кураш талбир-

ларини қўллаш» деган лойиҳа устида ҳам иш олиб борилди.

Бундан ташқари консерва маҳсулотларини тайёрлашда антибиотик ва фойдали биологик қўшилмалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физи-

ка-техника институти билан ҳам ҳамкорлик ўрнатилди. Илмий муассаса томонидан яратилган техник қурилма яшил грек ёнғоғидан мураббо тайёрлаш жараёнини тезлаштириб, қўл меҳнатини механизациялаш учун йўл очади.

Акбар АЛИЕВ

Ёшларимизнинг қомолоти, умидли келажаги ҳақида матбуот саҳифаларида қўллаб чиқишларнинг гувоҳи бўлганмиз. Ҳўш, ҳозирги кунда Ўзбекистон ёшларининг маънавияти, маданияти, тафаккур доираси қандай? Улар мустақиллик тушунчасини, Ватан тўғрисида, ўз ота-оналари олдидаги бурчларини қай даражада англаб етмоқдалар?

Мулоҳаза

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА
МАҲАЛЛА КАТТА КУЧ

Ҳеч кимга сир эмас, давлатимиз томонидан ёшларга жуда катта имкониятлар яратиб берилган, улардан оқилона фойдаланиш ёшларнинг изланишига, ҳаракат ва интилишларига боғлиқ, албатта. Қўлчилик ёшларимиз жаҳоннинг тараққий этган давлатларидаги нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олишмоқда.

Лекин баъзи ёшларимиз ўртасида учрайдиган муаммолари кўринишлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Содир этилаётган турли салбий ҳолатлар, гийёвандлик ва уларнинг олди-сотдиси, жиноятчилик, минг афсуслар бўлсинки, ёшларимиз орасида ҳам учрамоқда. Буларнинг оқибати нимагадир олиб бориши ҳаммамизга кундек равшан.

Мана шу борада маҳалла ҳам катта куч

эканлигини эътиборга олсак ва маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар комиссиялари раислари, ота-оналар биргаликда ҳаракат қилсалар жуда кўп муаммоларнинг олди олинармики деган фикрдамиз. Ахир ёшлик инсон умрининг «гул фасли» дейишади. Мана шу даврда инсон ҳаёт иморатига пойдевор қуради. Пойдеворни қандай қуриш эса инсоннинг ўзигагина боғлиқ, албатта. Ёшлар онига мана шу тушунчани сингдиришимиз лозим. Зеро мустақам пойдевор қуришга жиддий ёндашнинг айна вақти келди.

Бу пойдевор келажаги буюк давлатнинг ҳам тиргагига айланиши керак.

Раимкул СУЯРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

Ҳуқуқ

ФАОЛ ҲАРАКАТЛАР
САМАРАСИ

Қонун устуворлигига эришиш, жамият ҳаётининг ҳамма қирраларига қонун кучи билан таъсир кўрсатиш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда жамиятнинг бошланғич бўғини ҳисобланган ёшларнинг намунали турмуш тарзига эга бўлишида ҳуқуқий тарбиянинг ўрни бекиёс эканлиги тобора сезилмоқда.

Кунни кеча Собир Раҳимов туманидаги Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўтказилган «Ўсмир ва қонун» мавзусидаги ҳуқуқий тарғибот йиғилишида ҳам худди шу мавзулар доирасида фикрлар алмашилди. Талбир Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика Бош прокуратураси, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Талбирни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Мираббос Азимов қонун ва ёшлар ўртасидаги муносабат қанчалик мустақам бўлса, жамият шунчалик кўп манфаатдор эканини, қонун устуворлигини чуқур ҳис қилган ҳар бир ёш ҳеч қачон тўғри йўлдан алашмаслигини алоҳида қайд этди.

— Ёшларимизнинг Бош Қомусимиз — Конституциямизни яхши билиши, ўрганиши, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларидан хабардор бўлиши ниҳоятда муҳим, — деди жумладан талбирда сўзга чиққан Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари Садриддин Ҳасанов. — Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кейинги йилларда маҳалла оқсоқоллари, нозирлар, посбонлар ва фаолларнинг заҳматлари натижасида ёшлар томонидан содир этилаётган жиноятлар миқдори сезиларли даражада қамайган. Ҳозирда шахримиз туманларидagi маҳаллаларда ёшлар ўртасида қонунчиликнинг моҳиятини кенгроқ тарғиб қилувчи талбирлар қўллаб ўтказилмоқда.

— Ҳозирги кунда вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича аниқ чора-талбирлар қўрилмоқда, — деди Бош прокуратуранинг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари Толибжон Умаров. — Айнисса, биз турли жамоат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ёшларнинг экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ва энг асосийси, жамиятимизга ёт бўлган гоаяларнинг вояга етмаганлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишига қарши чора-талбирлар қўллаяпмиз.

Талбир давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди. Ўйлаймики, ушбу ўтказилган талбир талаба-ёшларнинг ҳуқуқий билимларининг ошишида ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Маънавият

УМРИ БОҚИЙ
РОМАН

Атокли адиб Абдулла Қодирий ижодида унинг «Ўтган кунлар» романи алоҳида ўрин тутди. Китебхоналар орасида кенг оммалашган бу асар яратилганига 85 йил бўлди.

Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг мазкур шох асари юзгага келганлигининг шу санаси олтидан қатор илмий ишлар амалга оширилди. Адабиётшунос олим Баҳодир Карим томонидан олиб боришган изланиш ҳам эътиборни ўзига тортди.

Унинг йирик тадқиқоти «Қодирий қадри» деган номда чоп этилди. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти тақдим этган бу китеб муҳлисларга манзур бўлади.

Улкан ёзувчи ижоди анғича талқин қилинган нашр «Ўтган кунлар» романига янада қизиқиш уйғотиб, унинг умри боқий асар эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Акбар Йўлдошев

Спорт

КУРАШ
ОММАЛАШМОҚДА

Тошкент шаҳар кураш федерацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Кенгаши ташаббуси билан пойтахтда жойлашган ўн бешта олий ўқув юртлари талабалари ўртасида кураш бўйича қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.

Турнирда курашга меҳр қўйган талаба-ёшлар бешта вазн тоифаси бўйича ғолибни аниқлаш йўлида баҳс олиб боришди.

Талабаларнинг қизгин кўлаб-қувватлаши остида ўтган беллашувлардан сўнг турнир ғолиблари аниқланди. Хусусан, 66 килограммгача бўлган энг енгил вазнда Илҳом Раҳмонов, 73 килограммгача курашчилар ўртасида Ғолиб Тўраев, кейинги икки вазнда эса Темур Эшқурбонов ва Нуриддин Арабовлар финал баҳсларида рақибларидан устун келган ҳолда биринчи ўринларни эгаллашди.

90 килограммдан юқори энг оғир вазнда эса Фазлиддин Қурбонов зафар кучди.

Ғолиб ва совриндорларга турнир ташкилотчилари томонидан дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

ШАҲРИМИЗ
ЖАМОАСИ
БИРИНЧИ

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий Кенгаши ва Республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ташкилотчилигида Тошкент вилоятидаги «Аракчи» аэродромда авиа ва ракетомодель спорт турлари бўйича республика ўйинлари бўлиб ўтди.

Мусобақаларда Сирдарё, Бухоро, Сурхондарё, Наманган, Тошкент вилояти ҳамда пойтахтлик олтмишга яқин спортчи олтита тоифадаги моделларни учиратиш бўйича ўзаро куч синашдилар.

Шуни айтиш керакки, 5-4-А ва 5-6-А тоифадаги дастлабки икки моделлар бўйича омад Сирдарё вилояти вакиллари — исм-фамилиялари бир хил бўлса-да бошқа-бошқа спортчилар — Дмитрий Лиларга кулиб бокди. Тошкентлик спортчилар А.Ткачев, Рустам Нуриев ҳамда Бехзод Мансуровларга ҳам алоҳида моделдаги авиа ва ракета-моделларини учиратиш борида ғолиб бўлиш насиб этди. Яна бир йўналиш бўйича пойтахт вилояти вакили Марат Ўрозов барча рақиблардан устун келди.

Умумжамоа ҳисобида 2723 балл тўплаган Тошкент шаҳри спортчилари ғолиб чиқишди. Кейинги совринни ўринлар Бухоро ва Тошкент вилояти авиа-моделчиларига насиб этди.

(Ўз мухбиримиз).

Педиатрия илмий-текшириш институти ва унинг клиникаси жамоалари клиника бўлим муdiri И.Х.Жўраевага отаси **Хуснутдин НУРИТДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан қуқур ҳамдардлик билдиради.



Мағбурлар

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Юртимиздаги тинчлик-хотиржамликнинг сақланиши, турли кўнгилсиз ҳодисалар, жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар хизмати ходимларининг ҳиссаси катта, албатта.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида ҳар душанба кунги маънавият дарслари ўтилади. Бошқарма ходимларининг маънавий—маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий онгини ошириш каби хайрли мақсадлар кўзланган ушбу маънавият дарсларига таниқли сўбатшунос, адабиётшунос, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шоирлар

таклиф этилади.

Навбатдаги маънавият дари эса ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрамларига бағишланди. Унда бош бошқарма раҳбарияти, турли хизматлар ходимлари ва фохрийлар иштирок этди. Тадбирда Ички ишлар вазирлиги Фахрийларни кўлаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси, истеъфодаги гене-

рал-майор Ғофуржон Раҳимов сўзга чиқиб йиғилганларни масъулиятли ва айна вақтда шарафли касб байрамлари билан муборакбод этди ва ишларида омадлар тилади. Шунингдек ички ишлар тизимида узоқ йиллар хизмат қилиб ҳозирда нафақада бўлган фохрийлар, хизматда фаол бўлган ходимлар шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: Ички ишлар бош бошқармасида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

шувлар ўтказиб борадилар. Ушбу учрашувларда барча фуқароларга, ўқувчи ва корхона ишчиларига эсдалик мурожаатномалари ва рангли плакатлар тарқатилди.

Биз ҳамшаҳарларимиздан «тилсиз ёв»дан шахримизни, уйимизни, оиламиз ва фарзандларимизни асрашларини сўраймиз. Зеро, ёвнинг хавфсизлиги қондаларига риоя қилмас, бу — оилаларимиз ободлиги, хонадонларимиз тинчлиги-осойишталиги демакдир.

(Ўз мухбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАРИДОРЛАР ВА ЕНГИЛ САНОAT МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги 04-7-50 сонли баёнига биноан шу йил 23-26 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Бобур кўчаси, 45-уйда «Ўзбектилсанот» Давлат акционерлик компанияси, «Ўзчармпойабзали», «Ўзбекипапи» уюшмалари тармоқлари, хусусий тадбиркорлар ва бошқа корхоналар томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган кенг турдаги енгил санот маҳсулотларига республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қатъи назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича Республика улгуржи-савдо ярмаркаси ўтказилади.

Ушбу ярмаркага барча халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар таклиф этилади.

ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25.



Муассас:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳазлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳоким — 2 босма табоқ, офсет усулида
босилган.
2812 нускада босилди. Қогоғи биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Наشري етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида теришти ва сақланади.

«Шорк» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси
босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.